ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАНАУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Адресат:«KATTAQO`RGON YOG-MOY» AJ бошкарув раиси У.О. Эсановга
(Реквизитлар: Самарканд вилояти Каттакургон ш.. Давлатобод кучачи 121, Банк х/р 20210000700434259001 «ОРЕНТ ФИНАНС» ХАТБ, код 01111, СТИР 200720966.

Мен, МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Баймурадов Химмат Вайдуллаевич (сертификат № 05405 ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) 2020 йил 1 апрелда тузилган № ККМ-1шартнома асосида

«KATTAQO`RGON YOG-MOY» AJ нинг
(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2019 йил 1 январидан 2019 йил 31 декабрига қадар бўлган давр учун таркиби 1- шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», 4 шакл «Пул окимлари тугрисида хисобот» ва 5 шакл «Хусусий капитал тугрисида хисобот»дан иборат бўлган молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Ташкилот номи	МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти
Почта манзили	140100, Самарқанд ш, Кўк сарой майдони, 1-уй
Лицензия тури, № ва берилган санаси	АФ № 00796, 19.04.2019
СТИР (ИНН)	202631355
ОКЭД (ОКОНХ)	74120 (84400)
Телефон/факс, e-mail	(91) 520-65-83, (93) 358-11-88, Urazov.k.b@rambler.ru
Суғурта полиси	№ А 372069, «UZBEKINVEST» Суғурта компанияси, амал қилиш даври 26.02.2020 й- 25.02.2021

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз«KATTAQO`RGON YOG-MOY» AJ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект

«KATTAQO`RGON YOG-MOY» AJ нинг
(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2019 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган ва аудиторлик текшируви матераллари асосида тузатишлар киритилган молиявий ҳисоботи (илова қилинади) барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»
аудиторлик ташкилоти директори _____ **Баймурадов Х.В.**

М.Ў.

2020 йил 30 апрель